



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

ЖАМИЯТ

№ 07
(928)
2025 йил
20 февраль,
Пайшанба

ХАЛҚИМИЗНИ ЖИПСЛАШТИРГАН МУҲИМ ҲУЖЖАТ

Яқиндагина Президентимиз Шавкат Мирзиёев фармони асосида давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини комплекс ривожлантириш мақсадларини ўзида жамлаган муҳим ҳужжат — “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури қабул қилинди.



Дастурда белгилаб берилган устувор йўналишлар халқимизнинг дунёдаги ривожланган давлатларга хос ҳаёт даражасига эришиш, адолатли, эркин ва обод жамият қуришдек мақсадларини ўзида қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир. Ҳар бир фуқарога муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этиш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, соғлом экологик муҳит яратиш беришдек мақсадлар белгилаб берилган Давлат дастури кўпмиллатли халқимизни эзгу мақсадлар йўлида янада жипслаштиришга хизмат қилмоқда. Эътиборлиси, бу ҳужжат шунчаки ишлаб чиқилмади, балки жамоатчиликнинг таклиф ва тавсиялари асосида бойитилди, такомиллаштирилди. Юртдошларимизнинг кўнглидаги фикрлар стратегик аҳамиятга эга ҳужжатда акс эттирилгани уларнинг ижроси муқаррар бўлишига хизмат қилади.

(Давоми 2-саҳифада)

СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАР ВА АМАЛИЙ ҚАДАМЛАР

Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Хусусан, мамлакатнинг глобал ҳамжамият олдидан олган мажбуриятларини бажаришда тармоқ ва соҳаларнинг уйғун “яшил трансформация”сини амалга ошириш, уларнинг рақобатбардошлиги ва ресурс тежамкорлигини таъминлаш ва “яшил ривожланиш” орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси ва “Ўзбекистон-2030” стратегиясига мувофиқ, 2030 йилга қадар жами электр энергиясида қайта тикланувчи энергия улушини ошириш, иссиқхона газларини қисқартириш, саноатда энергия самарадорлигини ошириш, иқтисодиётда “углерод изи”ни камайтириш, “яшил” инвестицияларни қўллаб-қувватлаш каби вазифалар белгиланган.

Сўнгги йилларда қарийб 4 ГВт бўлган муқобил қувватлар ишга туширилиб, электр энергияси ишлаб чиқаришда “яшил энергия” улуши 16 фоизга етди. Саноатда “яшил энергия” сертификати тизими жорий қилинди. Шунингдек, қуёш панеллари ўрнатилган хонадонлар сони 60 мингдан ошди. Бу эса мамлакатнинг “яшил” иқтисодиётга ўтиш борасидаги саъй-ҳаракатлари жадал тарзда олиб борилаётганидан далолат беради.

Хусусан, мазкур сиёсатнинг мантикий давоми сифатида, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастурида экологик барқарорликни таъминлаш, “яшил иқтисодиёт” ва циркуляр иқтисодиёт тамойилларини кенг жорий қилиш, давлат-хусусий шериклик асосида йирик “яшил энергия” станцияларини барпо этиш, аҳоли хонадонларида қуёш панелларини ўрнатишни рағбатлантириш, иқтисодиётда “углерод изи”ни камайтириш, ресурсларни қайта ишлаш ва самарали фойдаланиш орқали чиқиндиларни камайтириш ҳамда “яшил компонентлар”ни ошириш каби устувор вазифалар белгиланган.

(Давоми 2-саҳифада)



Ёшлар — ҳар қандай жамиятнинг эртаси. Улар том маънода, Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси ҳисобланади. Зеро, янги Ўзбекистон ёшлари — келажагимиз ва истикболимиз пойдеворидир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИ

Ривожланган давлатлар тажрибаси шунини кўрсатяптики, қайси мамлакатда ёшлар ҳуқуқлари тўлақонли таъминланса, ўз қобилиятини намоён этиши учун зарур имкониятлар яратилса, уларнинг юрт тараққиётига қўшадиган ҳиссаси ниҳоятда юқори ва самарали бўлади.

Президентимизнинг ёшларга оид сиёсатида иккита энг муҳим йўналиш бор: биринчиси — уларга замонавий билим бериш, иккинчиси — ёшлар бандлигини таъминлаш. Кейинги йиллардаги ислохотлар, ташаббус ва янги тизимлар замирида ана шу мақсад мужассам.

Бир пайтлар ёшларимиз мактабни тамомлагач, олий ўқув юртида ўқишни давом эттириш ўрнига ишлаш, яхши пул топишга қизиқарди. Сабаби, олийгоҳларга ўқишга кириш жуда қийин эди. Квоталар кам, қабул имтиҳонларида турли муаммолар бор эди. Қисқа даврда олийгоҳлар сони 3 баробар оширилиб, тизимда қамров 42 фоизга етди. Хотин-қизларга контракти давлат томонидан қоплаб берилаётгани ҳисобига талаба қизлар сони 11 карра кўпайди.

(Давоми 3-саҳифада)

ХАЛҚИМИЗНИ ЖИПСЛАШТИРГАН МУҲИМ ҲУЖЖАТ

(Боши 1-саҳифада)

Шу ўринда қайд этиш керак, бизнинг партия бу йилги Давлат дастурида ҳам фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ҳамда уларнинг саломатлигини яхшилашга устувор аҳамият қаратилганини эътироф этади. Зотан, агроф-муҳитни асраш, “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш биринчи навбатда инсонни асраш ва унга қулай шароит яратишни назарда тутди.

Алоҳида таъкидлаш керакки, Давлат дастуридаги аксарият вазифалар аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш, яъни, ижтимоий масалаларни самарали ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, дастурдаги қуйидаги устувор ёндашувлар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадлари билан ҳар томонлама ҳамоҳангдир.

Жумладан, ресурс тежамкор иқтисодий ривожланиш моделига ўтиш орқали 2030 йилгача ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсишини камида 6 фоиз ва унинг ҳажмини 200 миллиард долларга етказиш, инфляцияни 5 фоиз даражасида сақлаш, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш энг муҳим мақсад, деб белгиланган.

Фуқаролар ўртасида “Тежамкорлик ва барқарорлик” тамойили асосида янгича ижтимоий му-

носабатлар ривожлантирилиши, маҳаллаларнинг экологик қиёфаси яхшиланиши, яшиллик даражаси оширилиши, экологик жиҳатдан қулай ва фаровон яшаш муҳити шакллантирилиши, аҳоли саломатлиги яхшиланиши, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун кенг шароит яратилиши мамлакатимиздаги ижтимоий муҳитни янги даражага кўтариш каби ташаббуслар партияимизнинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларига тўғридан-тўғри мос эканлигини кўрсатади.

Дастурда партияимиз электорати манфаатлари ҳимоясига хизмат қиладиган яна бир қатор вазифалар белгиланганлиги бизга алоҳида ишонч ва ғурур ҳиссини бағишлайди. Хусусан, республикаимизнинг ҳар бир туманида (шаҳрида) босқичма-босқич инклюзив таълим талабларига жавоб берадиган камида биттадан умумтаълим мактаб фаолияти ташкил этилиши қайд этилаётир. Бу жамиятимизни босқичма-босқич инклюзивлаштиришда стратегик аҳамиятга эга масала ҳисобланади.

Болалар қандай оила ва шароитда вояга етаётганидан қатъий назар, таълимда тенг имкониятларга эга бўлиши муҳим, деб ҳисоблаймиз. Ҳужжатда жорий йилнинг ўзида 3,5 минг камбағал оилалар фарзандларини тайёрлаб, олий таълим таш-

килотларига белгиланган тартибда грант асосида қабул қилиниши вазифаси қўйилгани қанчадан-қанча ёшлар ва оилаларнинг келажакка ишончини оширади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда трансёғлардан фойдаланишнинг чекланган миқдорларини белгилаш бўйича санитария қоидалари ва меъёрлари Жаҳон савдо ташкилоти талабларига мувофиқлаштирилиши назарда тутилгани ҳам дастурий вазифаларимиз билан мос келади.

Кейинги йилларда кам даромадли оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш ислохотларнинг муҳим стратегик йўналишига айланди. Жорий йилда ҳам бу борада долзарб вазифалар белгиланаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Жумладан, 100 минг гектар ер майдонларини ижарага бериш орқали 200 минг нафар аҳоли бандлигини таъминлаш кўзланмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, халқимиз бугунги кенг қўламли ўзгаришларга қатта ишонч билан қараб, тезроқ уларнинг сама-

расини кўришни истайди. Бу йилги Давлат дастури ва унда белгиланган мақсадлар эса ҳамюртларимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-экологик, фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттиришни кафолатлашига ишонамиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Халқ демократик партияси Дастурни тўлиқ қўллаб-қувватлайди, албатта, партиянинг барча даражадаги ташкилотлари, депутатлик корпуси, шунингдек, фаолларимиз, электорат вакилларимиз ҳамда хайрихоҳларимизни ҳужжатда белгиланган устувор ёндашувлар, мақсадларни амалга оширишда фаоллик ва жонбозлик кўрсатишга чорлаб қолади. Зеро, дастурдаги вазифаларнинг амалдаги ижросини аҳолиимизнинг барча қатламлари, айниқса, партияимиз фаоллари ва хайрихоҳлари, фахрийларимиз, кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бор фуқаролар ўз кундалик ҳаётида сезиши учун барчамиз бирлашиб, бор куч ва ресурсларимизни тўлиқ сафарбар қилишимиз лозим.

Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон ХДП
фракцияси раҳбари

Яшил иқтисодиёт

СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАР ВА АМАЛИЙ ҚАДАМЛАР

(Боши 1-саҳифада)

2025 йилда “яшил иқтисодиёт” тамойилларини кенг жорий қилиш мақсадида Париж битимининг талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг углерод нейтраллигига эришишининг узоқ муддатли стратегияси ишлаб чиқиш, умумий қуввати 4,5 ГВт бўлган йирик қуёш ва шамол электр станциясини ишга тушириш, қуввати 785 мегаватт бўлган қуёш панелларини ўрнатиш, қуввати 225 мегаватт бўлган гидро-электр станцияларини барпо этиш орқали жами қайта тикланувчи энергия манбалари улуши электр энергияси ишлаб чиқаришда 26 фоизга ва жами генерация қувватлари таркибидаги улуши 40 фоизга етказиш, янги қуриладиган бино-иншоотлар ва уй-жойлар энергия самарадорлигидан келиб чиқиб, “Яшил бино” сертификати жорий этиш сингари

вазифалар қўйилди.

Шунингдек, 2025 йилда Европа тикланиш ва тараққиёт банкидан босқичма-босқич 200 миллион еврогача, Жаҳон банкидан энергетика секторида метан эмиссиясини камайтириш учун 10 миллион АҚШ доллари, Глобал яшил ўсиш институти орқали Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги техник қўмағи доирасида Ўзбекистон – Корея ўртасида “яшил ҳамкорлик”ни кучайтириш учун 6,5 миллион АҚШ доллари, Жаҳон банкининг “iCRAFT” лойиҳаси доирасида – 500 минг тонна қисқартирилган иссиқхона газларини сотиш ҳисобига 7,5 миллион АҚШ доллари, Германия халқаро ҳамкорлик жамиятидан саноатни яшиллаштириш ва азот кислотаси ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг атмосферага чиқараётган зарар-

ли газларини қисқартириш учун 20 миллион евро миқдоридаги яшил ва кам углеродли ривожланиш лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган имтиёзли кредит ва грант маблағларини жалб этилади.

Шакллантириладиган инвестиция дастурлари, тармоқ, соҳалар ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича янги лойиҳаларнинг 2025 йилдан бошлаб – 15 фоизда, 2027 йилдан бошлаб – 30 фоизда, 2030 йилдан бошлаб – 55 фоизда “яшил компонентлар” бўлиши лозимлиги белгиланди.

Бундан ташқари, 2030 йилга бориб, 25 ГВт қайта тикланувчи энергия манбалари барпо этилиб, бунинг ҳисобига йилига 64 млрд.

киловатт соат “яшил энергия” олиниши важами генерацияда “яшил энергия” улушини 50 фоиздан ошириш мақсад қилинган.

Умуман олганда, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, энергия тежамкор технологияларни жорий этиш, экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқариш, метан эмиссиясини қисқартириш каби чоралар мамлакатда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришга, экологик барқарорликни ҳамда аҳоли саломатлигини таъминлашга, шунингдек, барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга хизмат қилади.

Искандар ЎРОҚБОЕВ,
“Тараққиёт стратегияси”
маркази бош мутахассиси

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИ

(Боши 1-саҳифада)

Мамлакатимизда ёшларнинг билим ва иқтидорини ривожлантириш мақсадида янгича шакл ва мазмундаги Президент мактаблари, ижод ва ихтисослашган мактаблар тизими яратилди. Барча мактабларга эътибор, ўқитувчиларга рағбат ва ҳурмат ошди. Натижада ёш авлодда билимга интилиш кучайди.

Ўтган 25 йил ичида давлат ҳисобидан 800 нафар ёшлар хорижга ўқишга юборилган бўлса, биргина “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали сўнгги 7 йилда 3 баробар кўп ўғил-қизларимиз бундай имкониятга эга бўлди. Илмий даражали ёш олимларимиз сони 2 карра ошиб, 4 минг 357 нафарга етди.

Таълим тизимидаги ўзгаришлар самарасида ҳозирги вақтда дунёдаги «топ» олийгоҳларда 1,5 мингдан зиёд талабаларимиз таҳсил оляпти. Бу Ўзбекистон учун тарихда кузатилмаган воқеаликдир. Яқинда Бирлашган Араб Амирликларида ўтган катта форумда Тошкент шаҳридаги Президент мактаби глобал даражада энг нуфузли номинацияда ғолиб деб топилгани юртимизда ёшларга муносабат давлат миқёсида бутунлай ўзгаргани натижаси, десак янглишмаймиз.

Аёнки, ҳар йили меҳнат бозорига 600 мингдан ортиқ ёшлар кириб келмоқда. 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 1 миллион нафарга етади. Бу давлат ва жамият зиммасига катта масъулият юклайди. Бу жараёнда ёшларимизнинг ҳаётий муаммоларига янада кўпроқ эътибор қаратиш, уларга мос бўлган замонавий иш ўринларини кўпайтириш олдимизда турган муҳим вазифалардан бири бўлмоқда.

Шу нуқтаи назардан, бу борада ёшларни қўллаб-қувватлаш тизими яратилди. Биргина “Ёшлар дафтари” орқали ўтган йили 180 минг нафар ёшларга 345 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди. Ўтган 8 йилда ёш тадбиркорлар сони 3 карра кўпайиб, бугун бизнес вакиллариининг салкам 40 фоизини ёшлар ташкил этмоқда. Ишсиз ёшлар 2 карра камайди. Ишсизликдан холи маҳаллалар сони 1 минг 889 тага етди.

Президентимизнинг ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қарашлари ўтган қисқа вақт давомида қатор қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топиб, ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунчилик тизими тубдан такомиллаштирилди.

Сўнгги саккиз йилда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳукукий

асосларини мустаҳкамлашга қаратилган 100 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди, ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи янги тузилмалар ташкил этилди. Биргина ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, билим ва касб-хунар эгаллаши ҳамда улар учун муносиб иш ва турмуш шароити яратиш мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналишига айланди.

Йигит-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ва уларнинг қонун ижодкорлиги жараёнига кенг жалб қилиш мақсадида 2020 йилда Қонунчилик палатаси ҳузурида ташкил этилган Ёшлар парламенти бугунги кунда ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қонунчилик жараёнларига жалб қилиш ва улар билан давлат ўртасида кўприк вазифасини бажариб келмоқда.

Ўтган даврда Ёшлар парламенти ёшларнинг сиёсий-ҳукукий билим ва кўникмаларини юксалтириш, қонунларни ёшлар орасида тарғиб

Биргина “Ёшлар дафтари” орқали ўтган йили 180 минг нафар ёшларга 345 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди. Ўтган 8 йилда ёш тадбиркорлар сони 3 карра кўпайиб, бугун бизнес вакиллариининг салкам 40 фоизини ёшлар ташкил этмоқда. Ишсиз ёшлар 2 карра камайди. Ишсизликдан холи маҳаллалар сони 1 минг 889 тага етди.

қилиш орқали уларнинг жамият ҳаётига дахлдорлигини кучайтириш, ёш авлоднинг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қиладиган муҳим институт сифатида шаклланди. Том маънода, ўғил-қизларнинг ўз фикрларини баралла айтиши учун юксак минбар бўлди.

Сенат ва Қонунчилик палатасида ташкил этилган Ёшлар парламентида ёшлар сиёсий етакчилик, демократия мактаби, парламентаризм мактаби қандай бўлишини амалда кўрди. Охириги сайловда ана шу ёшларимиздан икки нафари Қонунчилик палатасига, 250 нафари кенгашларга депутат бўлиб сайланди.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар сабаб бугун янги Ўзбекистонда катта ўзгаришлар, янгиликлар кўз ўнгимизда юз бермоқда. Илгари ишсиз ва даромад манбаига эга бўлмаган ёшлар, хотин-қизлар бугун доимий иш жойига, даромад манбаига эга бўлиб хотиржам ҳаёт кечирмоқда. Жамиятга, давлатга, маҳалла-қўйга, қишлоғига, юртига фойдаси тегапти.

рахбарининг ҳар бир ёшга алоҳида эътибор ва ғамхўрлиги бутун Ўзбекистон ёшларини янги марралар сари руҳлантирди.

Ҳар ойнинг охириги ҳафтасида жойларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказамиз. Мулоқотлар чоғида кўплаб ёшлар, хотин-қизлар билан суҳбатлашамиз. Очиғи, уларнинг аксариятида тадбиркорлик билан шуғулланишга, бизнесни бошлашга бўлган қизиқиш юқори. Кўзлари ёниб турибди, қалби орзуларга тўла. Лекин уларнинг бирор ишни бошини туттишига, ўз лойиҳасини амалга оширишига имконияти йўқ, қурби етмайди.

Давлатимиз раҳбари бугун ёшлар тадбиркорлигида мутлақо янги даврни бошлаб берадиган 3 та катта ҳужжатга имзо чекканини эълон қилди. Биринчи ҳужжатга мувофиқ, Ёшлар агентлиги ҳузурида Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, унга 100 миллион доллар маблағ ажратилди.

Энди тадбиркор ёшларга 2,5 миллиард сўмгача имтиёзли кредитлар берилади, ташаббускор ёшларнинг стартап лойиҳаларига 2 миллиард сўмгача инвестиция киритилади. Бу янгиликлар бизнесни бошлаш истигаида юрган минг-минглаб ёшларнинг айна дилидаги гап бўлди. Уларни фаолликка чорлагани, ҳаракатга келтиргани рост.

Ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларнинг реал даромадларини оширишда ер ажратиш тизими яхши самара бериши маълум. Биргина ўтган йили 56 минг гектар ер ёшларга ажратилди. Бу ўз самарасини бериб, ҳозирда 153 минг нафар ёшлар деҳқончилик билан шуғулланыпти. Бу йил Қорақалпоғистонда, Андижон, Жиззах, Фарғона ва Тошкент вилоятларида бўш турган 3 минг 300 гектар ер янгича тартибда ижарага берилади.

Ёшлар кооперациялари ташкил қилиниб, ёшлар қишлоқ хўжалигида билим ва кўникма оширишига ёрдам берилиши, ёшлар саноат зоналарида саноат ипотекаси орқали бино олаётган тадбиркорларга ускуна хариди учун 500 минг долларгача кредит ажратилиши, айниқса, тайёр ишлаб чиқариш майдонини олган ёш тадбиркорга имтиёзли шартларда ускуналар ҳам олиб берилиши мутлақо тўғри ва оқилона қарор бўлди.

Давлат ва жамият бошқарувида ҳам, бизнесни тараққий эттиришда ҳам, умуман, барча соҳа ривожига салоҳиятли ёшлар муҳим ўрин тутди. Улар жамият учун “янги қон” вазифасини ўтайди. Демак, замонавий билим ва кўникмаларга эга, катта умид, орзу-мақсадлар билан Ватаним тараққиётига ҳисса қўшаман, дея белини маҳкам боғлаб майдонга чиқаётган интилувчан ва серғайрат, шижоатли ёшларни қўллаб-қувватлаш барчамизнинг бурчимиздир.

Одинахон ОТАХОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати



“Ўзбекфильм” – ўзбек киносанъатининг қутлуғ гўшаларидан. Бирор адиб ёки шоир, драматург ёки расом йўқки, лоақал бирор марта бу масканга келмаган бўлсин. Кино санъатининг ўнлаб ёрқин асарлари шу ерда туғилган, суратга олинган. Бу файзли даргоҳда не-не инсонлар меҳнат қилмаган, бугун уларнинг издошлари фаолият юритяпти. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли актёр ва режиссёр Исамат Эргашев билан ҳам 1985 йили “Ўзбекфильм” ҳовлисида танишганмиз.

Ўзбек киносига муҳри бор унинг

“Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси”да ишлаб юрган кезларим, ҳамкасбим оператор Эльдор Мамедов, режиссёрликда ҳам ўзини синаб кўрмоқчилигини қисқа метражли фильм учун актёр излаётганини айтиб қолди. Бирга “Ўзбекфильм” ҳовлисида ўтдик. Омадни қарангки, Исамат Эргашев чинор ёнидаги оромкурсида забардаст актёрлардан бири Фарҳод Аминов билан суҳбатлашиб ўтиришган экан. Мақсадимизни эшитгач, дарров рози бўлди. Бу ҳолат мени бироз ажаблантирди ҳам. Чунки актёр юлдузлик поғонасига кўтарилиб бўлган, унча-мунча таклифларга рад қиладиган даражада машҳур эди. Кейин билсам, Исамат ака барчага бир хил муомалада бўладиган камтарин инсон экан. Бирга ишладик. “Куз гуллари” фильми муваффақиятли чиқди.

Бир савоб туфайли бошланган танишчилик аста-секин дўсту-қадрдонликка айланди. Шунга ҳам ярим аср бўлибди. Умр ўткинчи, хотира боқийдир. Тез-тез учрашиб турамыз, ўша дамларни эслаймиз. “Ўзбекфильм” ҳовлисида, ўша машҳур чинорлар тагида бўлиб ўтган ажойиб суҳбатлар, қувноқ гурунглари унутиб бўларканми? Киномизнинг буюк вакиллари ҳам ана шу сўлимгоҳда кўрганмиз. Худди шу ердаги қувноқ давраларда машҳур санъаткорлар латифалар айтишар, ўзларини бемалол қўйиб юбориб, ҳазил-мutoйбага берилишарди. Булар энди тарих.

Шундай даргоҳлар борки, у ерда ўтмиш ва бугун бирлашади. Бундай масканга қадам қўйганингиз заҳоти, гўё олис мозийдан садо келгандек, боболарнинг ҳикматга тўла сўзлари эшитилгандек бўлади. Бу жой музей. Ўзбекистон Миллий кино санъати саройида жойлашган музейга тез-тез бориб тураман, ҳар сафар кўнгилни шундай туйғулар қамраб олади. Фото суратлар, фильмлардан лавҳаларни кўргандакадрли санъаткорларнинг унутилмас сиймолари яна бир бор кўз ўнгимда намоён бўлади. Наби Ғаниев, Комил Ёрматов, Малик Қажомов, Шукур Бурхонов, Раззоқ Ҳамроев, Наби Раҳимов, Шухрат Аббосов, Йўлдош Аъзамов, Лутфихоним Саримсоқова, Сора Эшонтоъраева, Раҳим Пирмуҳаммедов, Олим Хўжаев, Латиф Файзиев, Ҳамза Умаров ва бошқалар. Улар ўзбек кино-театр ва дубляж санъатининг устунлари эди. Шундай улуғлар билан замондош, сафдошва шогирд бўлган

бахтли санъаткорларимизда бири – Исамат Эргашев.

Исамат Эргашев Қозоғистон Республикаси Чимкент вилоятининг Сайрам қишлоғида туғилган. Мактабни олтин медал билан тамомлагач, Тошкент театр ва расомлик институтига ўқишга кирди. Мактабда драма тўғарақларига қатнашиб юрарди, бу шунчаки ҳавас эмас, мақсади театр актёри бўлиш эди. Олий ўқув юртининг сўнгги босқичида кинорежиссёр Латиф Файзиевнинг назарига тушади. Ўша пайтлари актёрлар асосан санъат институтидан танлаб олинарди. Латиф Файзиев ҳеч иккиланмай “Наташахоним” фильмидаги Собир образини Исамат Эргашевга топширади.

Санъатнинг, хусусан, киномининг ўзига хос сеҳри, жозибаси, оҳанрабоси бор. Исамат Эргашев институтни муваффақиятли якунлагач, “Ўзбекфильм” қошидаги “Актёр” студиясида иш бошлайди. Уни ўз даврининг омадли актёрларидан бири десак янглишмаймиз. Боиси, ҳар йили бир неча кино асарда роль ўйнаш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. “Тожиқфильм” студиясида суратга олинган “Хиёнат” фильмида Карим, “Генерал Раҳимов”да Элдор, “Умид”да Умид, Қизилқумда Салим, “Оловли соҳил”да Баҳодир, “Меҳробдан чаён”да Анвар... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Актёрни шуҳрат поғонасига кўтарган ролларидан бири, шубҳасиз, “Меҳробдан чаён” фильмидаги Анвар образидир. Ўтган асрнинг 70-75 йилларида таниқли кинорежиссёр Йўлдош Аъзамов улуғ ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” ва “Меҳробдан чаён” асарларини экранлаштирди. Буюкларнинг ижоди эмасми, иккала фильм ҳам халқимиз қалбидан жой олди. Бугунга қадар экранлардан тушмаётган кинокартиналар кейинги авлод томошабинлари қалбини ҳам забт этди. “Меҳробдан чаён”даги бош ролларни маромга етказиб ижро этган Исамат Эргашев ва Тамара Шокирова кино санъатининг ёрқин юлдузлари даражасига кўтарилди. Гарчи “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён” севги қиссасига ўхшаса-да, унинг замирида Ватан қайғуси ётади.

Ижодий учрашувлар, гап-гаштакларда кино ҳақида сўз кетса, Исамат ака кўпроқ Наби Раҳимов ва Латиф Файзиевни тилга олади: “Актёрлик маҳоратини устозим Наби Раҳимовдан, режиссёрлик сир-асрорини Латиф Файзиевдан ўргандим”, дейди фахр би-



лан. Исамат Эргашевнинг ўзи ҳам кўплаб шогирдлар етиштирди. Улар орасида кинорежиссёр Иброҳим Расулов ва актёр-режиссёр Фарҳод Худойбердиевга хурмати баланд. У шогирди Иброҳим Расулов суратга олган “Бегона баҳор” фильмида бош роллардан бири – ота образини маромига етказиб ижро этди.

Исамат Эргашев ижодини ўрганганда ҳиндистонлик кино ижодкорларга айрича бир меҳрни ҳис этиш мумкин. Бу устози Латиф Файзиевдан “юққан”, шекилли. Ҳали актёрлик давридаёқ Латиф Файзиевга шогирд тушди, фильмларида иккинчи режиссёрлик вазифасини бажарди, ҳамкорликда ишлаш тажрибасини ўрганди, катта-кичик роллар ижро этди. 1983 йили Латиф Файзиев ва Умеш Меҳранинг “Севги афсонаси” фильмида ҳинд Жабру образини гавдалантирди. Латиф Файзиев бошлаб берган анъанани кейинчалик Исамат Эргашев давом этдирди. 2001 йили ҳамкорликда “О, муҳаббат” фильми яратилди.

Айни пайтда нуроний ёшда бўлишига қарамасдан, Исамат Эргашев жамоатчилик ишларида ҳам ҳозир нозир. Ҳиндистон 2024 йилни ҳинд киноси асосчиларидан бири, машҳур актёр ва режиссёр Раж Капур йили деб эълон қилган. Шарқ мамлакатларида, хусусан, Ўзбекистонда ҳам Раж Капурнинг юз йиллиги муносабати билан анжуманлар, учрашувлар ташкил этилди. Таниқли ҳинд кино режиссёри Умеш Меҳра бошчилигида Капурлар оиласидан вакиллар, санъаткорлар ташиф буюрди. Меҳмонларни кутиб олиш, учрашувларни ташкил этишда Исамат Эргашевнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш зарур.

Раж Капур ўзбек халқининг ҳам ардоқли санъаткори эди.

Дўстлари унга “муҳаббат қуйчиси” деб ҳазиллашади. Аслида, бу эътироф бежиз эмас, унинг ўнлаб фильмлари муҳаббат, дўстлик



ва садоқат мавзусида. Бойсунда ишланган “Севги” фильми сценарийси Ўзбекистон халқ шоири Усмон Аъзам қаламига мансуб. Суратга олиш жараёнида умумий сахналарда бойсунликлар қатнашган. “Буюртма севги” фильми эса Озарбойжонда ҳамкорликда суратга олинган.

Атоқли драматург Шароф Бошбеков асари асосида суратга олинган “Темир хотин” фильми дунёнинг кўплаб мамлакатларида намоёишэтилди, совринларга сазовор бўлди. Жумладан, Кореяда бўлиб ўтган кинофестивалда мусиқали фильмлар номинацияси бўйича биринчи ўринни эгаллади. “Темир хотин” асари вилоят театрларида сахналаштирилган, спектакл жуда катта муваффақиятга эришган эди. Фильмни ҳам томошабинлар яхши кутиб олди. Шундан сўнг комедия йўналишида “Темир эркак”, “Ўғрийм одам”, “Шариф ва Маъриф” сингари фильмлар ишланди.

Исамат Эргашев режиссёр сифатида 1995 йили тарихий асарларга ҳам қўл урди: академик Бўрибой Аҳмедовнинг “Амир Темур” романини экранлаштирди. Фильм сценарийсини Ўзбекистон қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ва асар муаллифи ёзган. Амир Темур ролига танлов асосида таниқли актёр Бекзод Муҳаммадкаримов тасдиқланган.

Кинода Исамат Эргашев бир-бирига ўхшамаган жуда кўп ролларни ижро қилган. У яратган образлар бугунги кунда олтин фондда сақланаётган қатор фильмларга файз бағишлагани шубҳасиз. Санъаткор табаррук ёшида ҳам дўстларидан, шогирдларидан кўмак ва маслаҳатларини аямайди. Устозга узок умр тилаймиз.

Гафур БАРАТОВ



БОБУР ВА ШАЙБОНИЙ – БОБОЛАРИМИЗДИР



Бобур ким? Менинг бобом.

Шайбоний ким? У ҳам менинг бобом.

Нега бобони бобога қарши қўйяпмиз?

Бу ишимиз бориб-бориб элни яна иккига бўлиб юборади-ку!..

Хўп, Шайбонийхон билан бирга “ўзбек” деган ном юртимизда узил-кесил қарор топди, дейлик. Лекин биз фақат номдан иборат эмасмиз-ку! Унгача турк деган ном остида бор эдик-ку!

Ўзбек ҳам ўша туркнинг, туркийнинг бир қисми, бир уруғи бўлиб қўшилди! Нега парчани олиб, бутунга қарши қўйяпмиз?

Ўзаро урушларда Шайбонийхоннинг (кейинроқ авлодининг) қўли баланд келди ва Туркистонда қатта ишлар қилди: давлат тузди, янги давлат барпо қилди. Хўш, Бобур енгиб чиққанда, у бундай ишларни қилмасмиди? Албатта, қиларди. Айтайлик, етти мўъжизадан бири – Тожмаҳал Андижон ёки Самарқандда қад ростларди. Лекин нега биз уларнинг бирини бошқасидан устун кўрмоқчи бўлиб сўз сўзляпмиз?

Кечаги, совет давридаги сиёсатнинг давоми эмасми бу? Фақат фарқи шуки, кеча Бобур улуғланиб, Шайбоний ерга урилган эди. Бугун эса тескараси юз беряпти. Нега? Ахир, хато битта-ку!..

Яна битта фарқ шуки, кеча душман атайин “хато” (бу кўзланган режа эди) қилган бўлса, бугун ўзимиз шу иш бошида турибмиз. Яна орамизда эл таниган, эл суйган зиёлилар ҳам

борлиги кишини жиддий ўйлатиб қўяди. Ахир, зиёли дегани элни бирлаштирадиган ғояларни ўртага ташламайдими?!.. Бузғунчилик кимга керак, нега керак?!.. Агар зиёли бузғунчи бўлса, элнинг пораканда бўлгани шу эмасми?!..

Билмаймизки, томирдаги қонимизда қайси бобомизнинг қони кўпроқ оқаётган экан!

У ёғини суриштирсангиз, Шайбонийхон курган давлатчиликда темурийларнинг ҳам хиссаси бор эди. Ахир, унинг ўзи темурийлар давлатида ёлланма қўшин боши, арбоб бўлиб етишди, кучга тўлди. Яна суриштирсангиз, Шайбоний қонида темурийларнинг қони (Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султонбегим томонидан) борлигига гувоҳ бўласиз. Буни мен эмас, тарихчиларимиз ёзяпти. Ёки ёлғон ёзяптими? Бундай деб ўйламайман. Ҳатто ёлғон бўлганда ҳам биз Одам Ато ва Момо Ҳавонинг фарзандлари эмасмидик! Нега ота талашяпмиз, бобо талашяпмиз?..

Шайбоний ўзбек, айна пайтда туркдир, туркийдир. Бобур ҳам ўзини “турк” дейди, худди Навоийни “турк” деганидек. Бас, шундай экан, биз кимни кимга қарши қўйяпмиз? Қариндошни қариндошгами?..

Агар, шу миллат, эскида турк, ҳозирда ўзбек деб аталаётган эл униб-ўссин деган инсон бўлса, у ҳеч қачон Бобурни Шайбонийга, Шайбонийни Бобурга қайрамайди. Албатта, тарих қандай бўлган бўлса, шундай ўқиб ўрганиш лозим, бироқ ўқиб ўргангандан тўғри, соғлом хулосалар чиқариш ҳам керак-да, эл ичида фитнага сабаб бўлувчи гаплар нега керак?!..

Хўп, Ўрта асрларда икки хон юрт, ҳокимият талашиб урушибди ва бу ўз даври учун нормал иш саналибди, лекин бугун Ўрта асрлар эмас-

ку! Бугун барча урушлардан тўғри, соғлом ўғитлар чиқариб, бирлашадиган пайтда бирларимиз Бобур, бошқаларимиз Шайбонийхон тарафида туриб кирпичок бўлайликми?!..

Томирларда оққан биологик қондан ташқари дунёқараш деган “қон” ҳам бор. Ўзбекистонликларнинг биологик томирида кўпроқ Шайбонийхоннинг қони оқаётган бўлиши мумкин, лекин дунёқараш деган томиримизда ҳеч шубҳасиз мангубердиларнинг, темурийларнинг, жумладан, бобурийларнинг ҳам қони жўш уриб оқаётганлигини унутмайлик. Бобурдек улуғини ерга урадиган, уни кўкрагидан туртадиган эл бўлсак, бундай элнинг эртаси ёруғ бўлмайди. Худди шу гапни Шайбонийни ёмон кўрадиганлар учун ҳам айтиш мумкин ва керак. Кимки, бу ишга бош қўшиб, уни тарғиб қилса, бузғунчидир, тузғунчи эмас.

Демак, Шайбоний ҳам, Бобур ҳам менинг бобом, ҳаммамизнинг бобомиз.

Бири Туркистонда улуғ давлат тузган бўлса, иккинчиси дунёга чиқиб, Ҳиндда буюк империя қурди. Биз эса, ҳар икки давлатчиликдан ўрганайлик!

Қолаверса, уларнинг ҳар иккисидан элимиз ва дунёга татиғулик маданий ва адабий мерос қолди. Ўлмас мерос!

Биз ўзимизда уларнинг ҳар иккисига суянадиган куч, ирода ва билим топсаккина кучли миллатга айланамиз.

Улуғбек ҲАМДАМ



Эркинлик кафолатлари кучайтирилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 28 январда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун имзоланди.

Қонунга кўра, ЖПКга тергов судьясининг ваколатларини белгиловчи қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, тергов судьясининг ваколатлари жумласига:

— қамокқа олиш ёки уй қамоғи

тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш;

— қамокда сақлаш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш;

— ушлаб туриш муддатини қирк саккиз соатгача узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш;

— паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш;

— айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш;

— шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги илтимосномани кўриб чиқиш;

— айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш;

— мурдани эксгумация қилиш ҳақидаги илтимосномани кўриб чиқиш;

— почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги илтимосномани

кўриб чиқиш;

— прокурорнинг гувоҳ ва жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаш тўғрисидаги илтимосномаларини кўриб чиқиш;

— тинтув ўтказиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш; телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш тўғрисидаги илтимосномаларини кўриб чиқиш;

— мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш қиради.

Шунингдек, тергов судьясининг ваколат доирасига киритилган ишларни кўриб чиқиш тартиби белгиланмоқда. Хусусан, тинтув ўтказиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, прокурор, терговчи ёки суриштирувчи тинтув ўтказиш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради ва уни ўтказиш асосларини баён қилади. Прокурор илтимосноманинг асослилигини текшириб,

қарорни судга юборади. Тинтув ўтказиш тўғрисидаги илтимоснома суриштирув ёки дастлабки тергов юристилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг тергов судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

Мазкур суднинг судьяси йўқлигида ёхуд унинг илтимосномани кўриб чиқишда иштирок этишини истисно этадиган ҳолатлар мавжуд бўлганда - Қорақалпоғистон суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг тергов судьяси томонидан кўриб чиқилади. Илтимоснома материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан 8 соатдан кечиктирмай ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилади. Суд мажлисида прокурор, зарур ҳолларда терговчи, суриштирувчи иштирок этади.

Мирвоҳид СУҲОНОВ,
Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси Ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва методик таъминлаш шўъбаси етакчи маслаҳатчиси

Мамлакатимизнинг етти йиллик тараққиётини белгилаб берган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини 2025 йил — “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид Давлат дастурини тасдиқлашни назарда тутувчи Президент фармони қабул қилинди.

ТАРАҚҚИЁТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Ушбу фармон лойиҳаси ҳам ўтган йиллар давомида тўпланган тажрибадан келиб чиққан ҳолда, 2025 йилнинг январь ойида кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди. Жамоатчилик муҳокамаларида барча юртдошларимиз, қолаверса, маҳаллий ва халқаро даражадаги экспертлар, жумладан ўқитувчилар ҳам фаол иштирок этиб, Фармонда назарда тутилган ҳар бир мақсадли кўрсаткичлар бўйича 10 мингдан ортиқ ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Кўриш мумкинки, халқимиз билан ўтказилган маслаҳатлашувлар натижасида ҳужжатга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Хусусан, дастлаб Давлат дастури лойиҳасида 5 та йўналиш ва 100 та мақсад кесимида 2025 йил учун 278 та амалий чора-тадбирлар ҳамда 84 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинган бўлса, қабул қилинган ҳужжат орқали Давлат дастуридаги чора-тадбирлар сони 286 та, норматив ҳуқуқий ҳужжатлар 99 та ва мақсадли кўрсаткичлар эса 256 та этиб белгиланди.

Аҳоли томонидан билдирилган таклифларни ҳар томонлама кўриб чиқиш якунига кўра, лойиҳага қарийб 100 га яқин концептуал ҳамда 1000 дан ортиқ аниқлаштирувчи тахририй ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Умуман олганда, Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги Фармонда белгиланган 286 та чора-тадбирларда мамлакатимизни нафақат бир йиллик атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт”га ўтиш йилидаги устувор ёндашувлари, балки узоқ муддатли ривожланиш жараёнларида ҳар бир соҳада экологик барқарорликни таъминлашда эришиладиган натижалар таҳлили яққол акс эттирилган.

Жумладан, маҳаллаларнинг экологик қиёфасини яхшилаш, кўчаларда яшиллик даражасини ошириш, экологик жихатдан қулай ва фаровон яшаш муҳитини шакллантириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларни яратиш, табиий ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш,

экологик барқарорликни таъминлаш ҳамда “яшил иқтисодиёт” таъминларини кенг жорий қилиш каби кўплаб устувор йўналишлар шулар жумласидандир.

Дастур доирасида йил давомида аҳоли учун барпо этилаётган пиёдалар ва алоҳида велосипед йўлакларни бўйида дарахтлар ва ўсимликларни экиш орқали “Сояли сайр кўчалари” тармоғи яратилади. Шунингдек, соҳил ва дарё бўйларида 80 та инфратузилма объекти ва 110 километрдан ортиқ соғломлаштириш йўлакларни қурилади. Ёмғир ва оқова сувлардан самарали фойдаланиш, маҳаллалардаги дарахтларни замонавий сув тежовчи технологиялар орқали суғориш тизимини жорий этиш натижасида яшиллик даражаси оширилади.

Қолаверса, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ва “Менинг боғим” лойиҳаси доирасида 200 миллион туп дарахт ҳамда буталар экилиб, “яшил боғлар” ва “яшил жамоат парклари”да куёш панеллари ёрдамида қувватланувчи ёритгичлардан фойдаланилиш йўлга қўйилади. Орол денгизи тубида 100 минг гектар “яшил майдон” барпо этилиб, Оролбўйи минтақасидаги ўрмонзорлар улуши 2,1 миллион гектарга етказилади.

Эътиборли жиҳати ушбу йўналишдаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишда, илмий ёндашувлар ҳамда кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратилганлигидир. Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, илм ва таҳлилга асосланган ҳар қандай ташаббус келажакда ўз ижобий натижасини бермасдан қолмайди.

Хусусан, инсон салоҳиятини юксалтириш ҳамда таълим учун қулай муҳит яратиш ишларини ташкил этиш мақсадида 2025/2026 ўқув

йилидан бошлаб Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши каби таълим йўналишлари ва мутахассислар тайёрлашда ушбу йўналишдаги ишларни мувофиқлаштириб боровчи етакчи олий таълим ташкилоти сифатида белгиланди.

Унга кўра, Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университетида “циркуляр иқтисодиёт” таълим йўналишида кадрлар тайёрлаш амалиёти йўлга қўйилади. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ушбу университетга бириктирилган “яшил техникумлар” фаолияти ҳам ташкил этилмоқда.

Албатта, нафақат яшил тараққиёт, умуман олганда барча йўналишдаги ишлар натижадорлиги иқтисодий юксалиш ва ушбу йўналишдаги мутахассислар салоҳиятига ҳам чамбарчас боғлиқ. Шу боис, яна бир қатор табиий фанлар, муҳандислик-техника, иқтисодиёт ва молия йўналишларидаги давлат олий таълим ташкилотларида ҳам “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яшил ривожланиш” фани ва ўқув дастурлари жорий қилинади.

Олий таълимда грант ўринларини босқичма-босқич ошириш ҳисобига аниқ ва табиий фанлар, муҳандислик-техника, хизматлар, тиббиёт каби соҳаларда давлат буюртмаси 25 мингтага етказилади. “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши таълим дастурлари асосида таълим олиш учун стипендия танловига 20 тагача квота ажратиб борилади.

Шу билан бирга, мамлакатда экологик барқарорликка эришида ҳар бир фуқаро иштирокини таъминлаш мақсадида 2025 йил 1 июнга қадар “Бир миллион яшил оила” умуммиллий ҳаракати доирасида

махсус платформа ишлаб чиқилади. Платформа орқали экологик таълим йилларни ўзининг кундалик ҳаётига жорий этишда юқори кўрсаткичларга эришганларга “Экофаол фуқаро” мақоми берилиб, улар учун давлат хизматларидан фойдаланишда 10 фоизлик ҳамда давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган банкларда истеъмол кредитини олганда чегирмалар тақдим этилади.

Агар оиланинг барча вояга етган аъзолари “Экофаол фуқаро” мақомини олса, ушбу оилага “яшил оила” мақоми берилади ва улар ҳар йили очик танлов орқали ўтказилган тадбирда иштирок этиб 14 та электромобилдан бирини ютиб олишлари мумкин бўлади.

Шунингдек, Давлат дастури орқали аҳолисининг ярми “яшил оила” мақомини олган маҳаллаларда “Энг тоза маҳалла” ва “Энг яшил маҳалла” танловлари ўтказилади. Ҳолиб бўлган маҳаллалар жамғармасига маҳалла аҳолисининг таклифларини ўрганган ҳолда маҳалланинг ички инфратузилмасини янада яхшилаш тадбирларини молиялаштиришга 500 миллион сўм маблағ ажратилади. Ўйлайманки, ушбу тизим орқали соғлом турмуш тарзи аввало маҳалла, сўнгра бутун бир туман ёки шаҳар даражасида умуммиллий ҳаракатга айланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Давлат дастуридаги ҳар бир чора-тадбирда аввало, халқимиз турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, қолаверса, фуқароларимизнинг Бош қомусимизда белгилаб қўйилган экологик ҳуқуқларини қафолатлашга оид муҳим вазифа ва кўрсаткичлар акс эттирилган. Ушбу вазифалар ижроси эса, ҳар биримизнинг масъулият ва фаоллигимизга бевосита боғлиқ.

Мансур НАБИЕВ,

Жиззах давлат педагогика университети Фалсафа, тарбия ва ҳуқуқ таълими кафедраси катта ўқитувчиси



Табиий ипакнинг тиббиётдаги ўрни

Табиий ипак ингичка, пишиқ, ялтироқ ва товланиб турганлиги сабабли тўқимачилик саноатининг энг қимматбаҳо хом ашёси ҳисобланади. Табиий ипакдан шойи, атлас, адрас, креп, бахмал, банорас матолари, ипак гиламлари, шарф ва рўмоллар, бўйинбоғ ва пайпоқлар, чойшаблар ва пардалар ишлаб чиқарилади.

Табиий ипак стратегик аҳамиятга эга хом ашё ҳисобланади. Ундан тўқимачилик саноатига тааллуқли маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан бир қаторда ракетасозлик, самолётсозлик ва радиотехника учун қўлланиладиган изоляция иплари ҳам ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга табиий ипакдан тиббиётда, айнан жарроҳлик ипларини ишлаб чиқаришда ҳам самарали фойдаланилади. Чунки у пишиқ ва силлиқ бўлганлиги учун жарроҳлик ипи сифатида ишлатиш айна муддао.

Тиббий тикув материаллари — бу жарроҳлик операцияси даврида кесилган ёки жароҳат олган тўқималарни улаш учун ишлатиладиган жарроҳлик иплардир. Уларни ишлатгандан сўнг бироз вақт ўтгач, тикув жойида чандиқ ёки эпителия ҳосил бўлади. Жарроҳлик тикув иплари жарроҳликнинг муҳим элементи бўлиб, жароҳатни даволаш тезлиги ва беморнинг тикланиши уларнинг сифатига боғлиқ. Бундай ҳолда, нафақат тикув ипининг сифати, балки бир ёки бошқа турдаги ипни тўғри танлаш ҳам муҳимдир. Турли хил жарроҳлик ҳолатлари учун тиббий тикув ипларининг кўплаб турлари мавжуд.

Жарроҳлик иплари қадимий тарихга эга, у ҳақда биринчи эслатма милоддан аввалги 2000 йил олдин Хитой тиббиёт рисолаларида келтирилган. Қадимда жарроҳлик иплари учун турли материаллар: от ёли, пахта, тери бўлаклари, дарахт толалари ва ҳайвонларнинг ичагидан фойдаланилган.

Қадим замонлардан ҳозирги кунгача фақат 2 турдаги табиий жарроҳлик иплари қўлланилади: булар — кетгут ва ипак. Кетгут биринчи марта эрамиздан аввалги 175 йилда Гален томонидан жарроҳлик тикув ипи сифатида ишлатилган. Уни сигир ичаклари шиллиқ қаватининг остидан олган. XIX аср ўрталарида Жозеф Листер кетгут чокларини стерилизация қилиш усулла-

рини аниқлаган ва шундан бери улар кенг қўлланила бошланди. Яна бир жарроҳлик тикув materiali ипакдан фойдаланиш эрамиздан аввалги 1050 йилда қайд этилган. Унинг жарроҳликда қўлланилиши биринчи марта 1050 йилда тасвирланган.

Ипак 1800-йилларнинг охирида кетгутга муқобил сифатида киритилган. Бу тут ипагидан тайёрланган табиий, сўрилмайдиган ўрилган ип бўлиб, фойдаланиш қулайлиги учун у ўралади ва қўшимча кўриниш учун бўялади. Ипак сезиларли маҳаллий яллиғланиш реакциясини келтириб чиқаради, бу мезон бўйича кетгутдан паст; бундан ташқари, у сезиларли капиллярликка эга.

Ипак ипи, жарроҳликда қўлланилгандан бошлаб, уни қоплаш учун мум, мой ва бошқа суюқликларга ботирилган. Ҳозирги вақтда бу қоплама сифатида силикон ёрдамида ҳам қўлланилади. Бундай қопламалар капиллярликни пасайтиради ва қўлланиладиган бирликларнинг ишончилигини оширади.

Ипак ипи жуда эгилувчан ва итоаткор, шунинг учун у бу борада стандарт ҳисобланади. У кетгутдан кўра кўпроқ кучга эга, аммо кўпчилик синтетик тикув иплари каби кучли эмас. У бир йил давомида 50 фоиз қувватни сақлайди ва сўрилиши икки йил давом этиши мумкин.

Ипак ипнинг ўрилганлиги сабабли, кон элементлари толалар орасида тўпланади ва инфекция ривожланиши учун омил ҳисобланади. Тўқималарнинг ипга аниқ реакцияси билан бирга, бу юқумли асоратларнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни яратади, шунинг учун ипак ипни ичи бўш органлар ва каналларда ишлатиш тавсия этилмайди. Аммо ип терини маҳкамловчи чоклари сифатида ва лаблар ва кўз қовоқлари атрофидаги тери операцияларида ишлатилиши мумкин.

Ипак иплари сўрилмайдиган иплардан

фойдаланишни талаб қилувчи турли жарроҳлик аралашувлар учун тикув materiali сифатида стерил жарроҳлик бўлимида малакали ходимлар томонидан фойдаланиш учун мўлжалланган. Ипак, айниқса, юқори таранглик кучига эга бўлганлиги сабабли тери чокларида, юз-жағ жарроҳлигида, мушакларни тикишда жуда мос келади. Бундан ташқари, ипак ўзининг юқори силлиқлиги ва тугунлаш қулайлиги туфайли қорин бўшлиғи жарроҳлигида қўллаш мумкин. Жарроҳлик аралашувининг ҳар бир ўзига хос ҳолатида тикув materialини танлаш, агар операция турига ва жарроҳлик усуллари мувофиқ яра-нинг ўлчамига қараб, кўрсатмалар мавжуд бўлса, жарроҳ томонидан белгиланади.

Физик хусусиятларига кўра, ипак жарроҳликда олтин стандарт ҳисобланади, чунки у мослашувчан, юмшоқ ва иккита кучли тугунни боғлаш имконини беради. Ипак, шунингдек, асептик яллиғланишни келтириб чиқариши мумкин, чунки у аниқ сиқиш ва сорбция хусусиятларига эга.

Ипак иплари инсон танасида бўлса, ипак оксиди толасининг деградацияси содир бўлади, бу эса 6 ойдан 12 ойгача бўлган даврда тикув кучини босқичма-босқич йўқотишига олиб келади. Ипак 2 йил ичида тўлиқ сўрилади. Ушбу резорбция даври Ипакни протезлашда фойдаланишни имконсиз қилади. Ушбу тикув materiali лигатураларни қўллаш ёки юмшоқ тўқималарни яқинлаштириш учун мўлжалланган. У асосий жарроҳлик, пластик, кон томир, кутикуляр, ошқозон-ичак жарроҳлиги, микрохирургия ва офталмологияда қўлланилади.

Жарроҳлик ипларининг тарихи бир неча минг йилларга бориб тақалади. Шу вақт ичида ушбу материалларнинг кенг таснифи пайдо бўлди ва у фан, технология ва ишлаб чиқариш ривожланиши билан кенгайишда давом этмоқда.

Нигора ИСЛАМБЕКОВА,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти профессори

Муассис:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология,
атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш
ва иқлим
ўзгариши вазирлиги

Таҳрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Камолиддин
ИШАНХОДЖАЕВ
Даврон ВАҲОБОВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир

Мақсуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.

Буюртма рақами Г-210

Адади: 1600

Пайшанба куни чиқади.

Қоғоз бичими А-3,

ҳажми 2 босма табок.

Баҳоси келишилган нархда.

Газета Ўзбекистон

матбуот ва ахборот

агентлигида

2006 йил 0010-рақам билан

рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик

жихатдан сифатли

чоп этилишига

“Шарқ” нашриёт-матбаа

акциядорлик компанияси

масъул.

Маълумот учун

телефонлар:

99-994-70-52

98-111-48-29

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта:

jamiyat@umail.uz

Газета индекси – 131

“ЖАМИЯТ” дан олинган

маълумотларда манба

сифатида газета номи

кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти:

20:00

1 2 3 4 5 6

Маънавий барқарорлик камолотга етаклайди

Руҳий ва маънавий барқарорлик инсоннинг ички уйғунлиги ва ҳаётдаги босимларга бардошли бўлиш қобилияти сифатида тушунилади. Бу барқарорлик инсоннинг шахсий, ижтимоий ва профессионал ҳаётида муваффақиятга эришиши учун муҳим омил ҳисобланади.

Руҳий барқарорлик инсоннинг стресс, хавотир ва руҳий босимлар ҳолатида ўзини назорат қила олиши ва руҳий тинчликни сақлаб қолишидир. Маънавий барқарорлик эса, инсоннинг ахлоқий қадриятлар ва маънавий асосларга таянган ҳолда ўз қарорлари ва ҳаёт тарзини белгиланган мақсадларга мувофиқ равишда ташкил қила олишидир. Маънавий барқарорлик инсоннинг ҳаётдан қониқиш даражасини оширади ва унинг ички ресурсларини мустаҳкамлайди.

Ҳозирги кундаги глобал ўзгаришлар, технологик инкилоблар, ижтимоий босимлар ва экологик муаммолар инсон руҳияти ва маънавиятига катта таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли, руҳий ва маъ-

навий барқарорлик жамият ва шахс учун долзарб аҳамият касб этмоқда.

Тинчлик ва хотиржамлик, барқарорлик инсонга ички хотиржамлик ҳиссини беради, бу эса ҳаёт сифатини оширади. Маънавий барқарорлик шахсга ҳаётдаги асосий мақсадларни аниқлаб, уларга етишиш учун фаол ҳаракат қилишга ёрдам беради. Руҳий барқарор шахс бошқалар билан яхши муносабат ўрната олади, муаммоларни конструктив тарзда ҳал қилади. Жамоада мустаҳкамликни таъминлайди, муваффақиятли етакчи бўлиши мумкин. Маънавий жиҳатдан мустаҳкам инсон ижтимоий муносабатларда ўзига хос руҳий куч ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади. Руҳий ва маънавий

мувозанат организмнинг иммунитетини мустаҳкамлайди, турли хасталикларга чидамликни оширади.

Ҳозирги кунда руҳий ва маънавий барқарорлик шахс ва жамиятнинг барқарор ривожланиши учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади. У нафақат шахсий ҳаётда, балки ижтимоий, маданий ва иқтисодий соҳаларда ҳам муваффақиятли тараққиётни таъминлайди.

Барқарорликка эришган инсон нафақат ўз ҳаётида, балки жамиятда ҳам мустаҳкам ва ижобий рол ўйнайди. Шу сабабли, руҳий ва маънавий барқарорликни сақлаш ва ривожлантириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Даъно САЪДУЛЛАЕВА
Ўзбекистон Республикаси Қуролли
Кучлар Академияси ҳарбий
психология ва педагогика
кафедраси катта ўқитувчиси

Мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасалари ҳамда умумтаълим мактабларида талаба ва ўқувчиларни китоб мутолаасига жалб этиш, бадиий саводхонлик даражасини ошириш орқали уларни ватанпарварлик ва юртимиз келажакига дахлдорлик руҳида тарбиялаш мақсадида “Маърифат улашиб” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Лойиҳа доирасида таниқли шоир ва ёзувчилар томонидан “Гулхан атрофида суҳбат”лар, ижодий учрашувларда истеъдодли ёшларнинг энг сара шеър ва ҳикоялари танлаб олинди. Ёшларнинг бу ижод намуналари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тўплам ҳолида нашрга тайёрланди.

Газетамиз саҳифаларида берилаётган шеърлар “Маърифат улашиб” лойиҳасининг маҳсули сифатида ҳавола этилмоқда.

Миллат қизи

Уйқунгдан уйғонгин эй миллат қизи,
Қай томон кетяпсан, сочинг паришон.
Ахир эмасмидинг муслимлар изи,
Одоб-у ахлоқинг бундандир нишон.

Нечун кўзларингни боғлади парда,
Нечун этмоқдасан хуснингни кўз-кўз.
Қарагин турибсан тубсиз бир жарда,
Номаҳрам кўзидан кўзларинги тўс.

Ахир қимматлисан қадрингни тўкма,
Очиқ қулфли сандиқни очар ҳар номард.
Номус-у орингни, қаддингни букма,
Бундай оғир дарддан йўқдир оғир дард.

Бузмагил қулфингни, бўл сирли ҳар дам,
Шамол сочинг силашга ҳам ҳаё қилсин.
Сен томон босилган ҳар нопок қадам,
Дарҳол ортга қайтсин, ҳаддини билсин.

Нодирабону АБДУРОФИЕВА,
Термиз давлат университети талабаси

Яшамоқ даркор

Минг бора туғилмас одамзот аҳир,
Асли тирикликнинг ўзи бир бахтдир,
Атрофдагиларга қилмасдан қаҳр,
Дунёда завқланиб яшамоқ даркор.

Майли ортингиздан дашномлар ёғсин,
Парво қилманг асло душманлар ёнсин,
Қора кўнгиллари ғийбатла қонсин,
Дунёда завқланиб яшамоқ даркор.

Ёлғиз қолманг, топинг ўз бахтингизни,
Миш-мишлар бузмасин қалб қасрингизни,
Инсонларга беринг бор меҳрингизни,
Дунёда завқланиб яшамоқ даркор.

Диёра НУРМУҲАММАДОВА,
Наманган давлат педагогика институти талабаси

Ошиқ бўлдим

Ошиқ бўлдим, бу туйғунинг чегараси, қоидаси йўқ,
Насихатлар қилманг менга, фойдаси йўқ, фойдаси йўқ.

Ошиқ бўлдим, ақл-у ҳушдан жудо бўлган девонадай,
Машуқанинг парвоси йўқ ўтар худди бегонадай.

Ошиқ бўлдим, юрак ёқар ул, бевафо ёрнинг ғами,
Бу дардимнинг давоси йўқ, ёрдан ўзга бир малҳами.

Ошиқ бўлдим, ошиқлигим эл ичида афсонадир,
Афсонани эшитган дил, тўлғонадир ҳам ёнадир.

Ошиқ бўлдим, висол учун чора топинг, имкон бўлинг,
Ҳар ошиққа шундай севги, насиб этсин дуо қилинг.

Ошиқ бўлдим, Сардор содиқ қолгай абад муҳаббатга,
Иншааллоҳ бир кун етгай, ўшал бахт-у, саодатга.

Сардор НАЗАРОВ,
Қарши инновацион таълим университети талабаси

Яшагим келар

Балиқ бўлиб сув ичмаган уммонда эмас,
Куёш бўлиб гул унмаган саҳрода эмас,
Меҳр бўлиб эрмаган қалбларда эмас,
Дунё эмас, дунёйимда яшагим келар.

Кўриб туриб кўрмаганлар ёнида эмас,
Ишончимни сақлолмаган қалбларда эмас,
Коинотнинг бир чеккаси, узоқда эмас,
Дунё эмас, дунёйимда яшагим келар.

Сийратсиз суратлар олдида эмас,
Ўз боласин сотган шафқатсизнимас

Ҳамма талашаётган тиллолардамас,
Дунё эмас, дунёйимда яшагим келар.

Барчага турли хил ниқобда эмас,
Ёлғонлар, алдовлар оғушидамас,
Нафрат тўла охиратсиз оламидамас,
Дунё эмас, дунёйимда яшагим келар.

Номусини сотган гулларда эмас,
Ёлғони чин бўлган сўзларда эмас,
Аллоҳи бўлмаган қалбларда эмас,
Дунё эмас, дунёйимда яшагим келар.

Захроҳон РЎЗМЕТОВА,
Урганч давлат университети талабаси

Одам ҳусни

Одам гўзал бўлмаса ҳам,
Қалби гўзал бўлсин дейман.
Кулиб турсин доим юзи,
Сўзи асал бўлсин дейман.

Яхши инсоннинг тилидан
Ширин сўзи аримайди.
Тили ширин яхши одам
Сира эрта қаримайди.

Қанча ширин сўзли бўлса,
Узоқ умр кўрар одам.
Яхши инсонлар кўпайса,
Яшнаб турар доим олам.

Шахзодахон ИСЛОМОВА,
Жондор туманидаги
2-умумтаълим мактаби ўқувчиси

Топишмоқ

Билимларнинг булоғи,
Ўқувчининг ўртоғи,
Билим бериб тинмайди,
Жаҳолатни билмайди.

Панд-у насихатга кон,
Тузатар кам-у кўстим.
У чин ўртоқ, меҳрибон,
У нимадир, топ, дўстим?

Аниса ДОСТОНОВА,
Андижон шаҳридаги 37-умумий таълим
мактаби ўқувчиси